**Ушбу сонда:**
2 ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ
3 ОРОЛБЎЙИ АҲОЛИСИ ҳукуматимизнинг мададини ҳис қилиб яшамоқда
4 *Фахр* ТЕРМА ЖАМОА АЪЗОСИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 5 ноябр, жума № 176 (1809)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

**26 декабр: сайловни очиқлик, ошкоралик, демократик руҳда, сайловчиларнинг фаол иштирокида ўтказайлик**



*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОЙИШИ*

## 2005-2007 йилларда фермер хўжаликларини жадал ривожлантиришга қаратилган таклифлар тайёрлаш бўйича махсус комиссия тузиш тўғрисида

***Қишлоқ хўжалигида ислоҳотлар амалга оширилишини, зарар кўриб ишлайдиган, паст рентабелли ва истиқболсиз ширкатларни фермер хўжаликларига айлантириш Дастурининг бажарилишини чуқур таҳлил қилиш, шунингдек қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва 2005-2007 йилларда фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш мақсадида:***

1. 2005-2007 йилларда фермер хўжаликларини жадал ривожлантиришга қаратилган таклифлар тайёрлаш бўйича махсус комиссия тузилсин.

2. Махсус комиссия минтақавий ишчи гуруҳларни тузсин ҳамда жойларга бориб бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фермер хўжаликларини ривожлантириш Концепцияси тўғрисида» 2003 йил 27 октябрдаги ПФ-3342-сон Фармонига мувофиқ фермер хўжаликларини ривожлантириш жараёнларини чуқур таҳлил қилсин. Бунда қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилсин:

зарар кўриб ишлайдиган, паст рентабелли ва истиқболсиз ширкатларни қайта ташкил этиш натижасида тузилган фермер хўжаликларини ташкил қилиш тизимида ва уларнинг қишлоқ хўжалик фаолияти натижаларида, хўжалик юритиш механизми ҳамда уларнинг молиявий аҳволида қандай ижобий ўзгаришлар содир бўлганлигини ўрганиш;

қишлоқда фермерликни жадал ривожлантиришга йўл бермаётган, тўсқинлик қилаётган омилларни танқидий ўрганиб чиқиб, уларга принципиал баҳо бериш;

фермер хўжаликларини ташкил қилиш ва фаолият кўрсатишининг амалдаги қонунчилик ҳамда меъёрий-ҳуқуқий базасини, унинг фермер хўжаликларини ривожлантириш Концепциясида белгиланган замонавий талаблар, тамойил ҳамда вазифаларга мувофиқлигини батафсил ўрганиш;

ширкатларни фермер хўжаликларига айлантириш бўйича тайёргарлик ишларини ташкил этишнинг амалдаги тизимига, танлов ҳамда фермерларга ер майдонлари ажратиш ва тақдим этиш механизмига танқидий баҳо бериш. Аризани кўриб чиқиш, даъвогарлар ўртасида танлов ўтказишдан бошлаб то фермер хўжалигини юритиш учун ер майдони бериш тўғрисидаги қарорини тасдиқлашгача бўлган бутун бир тизим қандай ишлашини синчиклаб ўрганиб чиқиш;

қишлоқ хўжалик зоналари, тупроқ унумдорлиги, сув билан таъминланганлик, фермерларнинг тармоқ ихтисослашувини, шунингдек турли минтақаларда аҳоли зичлигини инобатга олган ҳолда фермер хўжалиги юритиш учун ажратиладиган ер майдонларининг энг кам миқдори қай даражада асосланганлигини таҳлил этиш;

фермерларни касбий тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича бизнес-мактаблар фаолияти қандай ташкил этилганлигига, фермерлар тайёрлаш Дастурини амалга ошириш, ўқув дастурлари савияси ва сифатига, малакали ўқитувчилар билан таъминланганлик даражасига баҳо бериш;

фермер хўжаликлари, тайёрлов корхоналари, шунингдек фермерларга моддий-техника ресурслари етказиб беришни таъминлайдиган ва хизматлар кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш ва уларни бажариш механизмини танқидий таҳлил қилиш. Тузилаётган шартномаларнинг мазмуни аниқ-равшан бўлишига ва қабул қилинган мажбуриятларни бажармаганлик учун томонларнинг жавобгарлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилсин;

хўжалик судлари ва бошқа юридик хизматлар фермер хўжаликларининг ҳуқуқий ҳимоясини қанчалик таъминлаётганликларини аниқлаш. Фермерлар томонидан ҳамда уларга хизмат кўрсатадиган корхона ва ташкилотлар томонидан қабул қилинган шартнома мажбуриятларининг сўзсиз бажарилишини таъминлашда, ижарага берилган ерлардан мақсадли фойдаланиш талабларига фермерлар риоя этишида ҳуқуқий механизмнинг етуклигига баҳо бериш. Ер майдонларини ажратиш ва олиб қўйиш масалаларида ҳуқуқий тартибот ўрнатиш воситаси сифатида ҳуқуқий механизмдан қанчалик самарали фойдаланилмоқда;

фермер хўжаликларини молиялаштириш ва давлат эҳтиёжлари учун етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулоти учун улар билан ҳисоб-китоб қилиш механизмини батафсил ўрганиб чиқиш;

тугатилган ширкат хўжаликлари ҳудудида насос ҳамда бошқа мелиорация ва ирригация ускуналари самарадорлигини оширишни ҳисобга олган ҳолда, фермер хўжаликларига хизмат кўрсатадиган сув истеъмолчилари уюшмаларини ташкил қилиш ва уларнинг фаолият кўрсатиш тизимини таҳлил қилиш.

Таҳлил натижаларига кўра ҳар бир вилоят бўйича мазкур масалалар акс эттирилган ҳолда керакли жадваллар билан маълумотномалар тайёрлансин.

3. Махсус комиссия минтақавий ишчи гуруҳлари томонидан тайёрланган таҳлилий материаллар, 2003 йил якунлари ва 2004 йилда кутилаётган натижалар бўйича ширкат хўжаликларининг ишлаб чиқариш ҳамда молиявий фаолиятини танқидий таҳлил қилиш асосида 2004 йилнинг 15 декабрига қадар муддатда қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича аниқ таклифлар ва 2005-2007 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш Дастурини тайёрлаб, Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

4. Мазкур Фармойишнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 4 ноябр

# САЙЛОВ КАМПАНИЯСИ ЛУҒАТИ

**САЙЛОВ КОМИССИЯСИ АЪЗОСИ ФАОЛИЯТИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ** – сайлов комиссияси аъзоси ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини тўсиқсиз амалга оширишини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий воситалар мажмуи. Комиссиянинг аъзоси шахсан берган аризасига мувофиқ, шунингдек, ваколатларидан маҳрум этилган тақдирда ўз вазифасини бажаришдан озод қилиниши мумкин. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларини бажаришдан озод қилинган сайлов комиссияси аъзосининг ўртача ойлик иш ҳақи сайловни ўтказиш учун ажратиладиган маблағлар ҳисобидан сақлаб қолинади.

**САЙЛОВ ҲУҚУҚЛАРИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ** – фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини ҳуқуқий, ташкилий, ахборот ва бошқа жиҳатдан таъминлаш воситалари. Сайлов ҳуқуқларининг асосий кафолатлари қонунчиликда мустаҳкамлаб қўйилган.

Сайлов ҳуқуқларининг ҳуқуқий кафолатлари сирасига сайловларнинг мажбурийлиги ва даврийлиги принципларини рўёбга чиқаришни таъминловчи қонунда белгиланган юридик механизмларни; сайлов комиссияларининг сайлов ҳуқуқларини бузадиган қарорлари ва ҳатти-ҳаракатлари устидан юқори сайлов комиссиясига ёки судга шикоят қилиш ҳуқуқини; давлат ҳокимияти органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, уларнинг мансабдор шахслари ва бошқаларнинг ғайриқонуний ҳатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кабиларни киритиш мумкин. Сайлов ҳуқуқларининг ташкилий кафолатларига эса сайловчиларнинг олдинроқ овоз бериши, шунингдек, сайлов участкаси биносидан ташқарида овоз беришини ташкил этиш амалиёти яққол мисол бўла олади. Сайлов ҳуқуқининг ахборот жиҳатдан кафолатланиши деганда сайлов белгиланганi тўғрисидаги қарорни расмий эълон қилишнинг мажбурийлиги, сайловчиларни овоз бериш куни, вақти ва жойи ҳақидаги, сайлов комиссиясининг манзили ва телефон рақамларига доир маълумотлардан хабардор қилиш; сайловчиларни сайловчиларнинг рўйхатлари билан таништириш; сайлов комиссиялари томонидан рўйхатга олинган номзодлар ҳақида ахборот бериш; сайлов якунларини расмий эълон қилиш кабилар тушунилади.

**ОВОЗ БЕРИШ БИНОСИДАН ТАШҚАРИДА ОВОЗ БЕРИЛИШИ** – сайловчилар рўйхатига киритилган, аммо узрли (саломатлигининг яхши эмаслиги, ногиронлиги билан боғлиқ ва бошқа) сабабларга кўра овоз бериш биносига кела олмайдиган сайловчиларнинг овоз беришда иштирок этиш имкониятини таъминлашга қаратилган институт. Участка комиссияси биносидан ташқарида овоз бериш фақат овоз бериш кунида ва фақат фуқаронинг шундай имконият яратиб беришни сўраб тақдим этган ёзма аризаси ёки оғзаки (шу жумладан бошқа шахслар орқали етказилган) мурожаати асосида амалга оширилади. Сайловчи бундай ариза (мурожаат) билан участка комиссияси шакллантирилгандан кейин ҳар қандай пайтда мурожаат этиши мумкин. Участка сайлов комиссияси комиссия аъзоларига овоз беришни ана шу сайловчилар турган жойда ташкил этишни топширади.

Сайлов участкаси биносидан ташқарида овоз беришни участка аъзоларидан камида икки киши амалга оширади. Бинодан ташқарида овоз бериш жараёнида кузатувчилар ҳозир бўлиш ҳуқуқига эга. Бунда участка комиссияси, сиёсий партиялар ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг кузатувчилари овоз бериш жойида ҳозир бўлиши учун, уларга ва овоз беришни ташкил этгани борадиган участка комиссияси аъзоларига тенг имкониятлар яратиши зарур. Фуқароларнинг илтимосига биноан борадиган участка комиссияси аъзолари комиссияда олдиндан муҳрланган (сурғучланган) кўчма сайлов қутиси ва тегишли миқдорда белгиланган намунадаги сайлов бюллетенларини ўзлари билан бирга олишлари керак. Фуқароларнинг аризасига (мурожаатига) биноан борадиган участка сайлов комиссияси аъзолари сайлов бюллетенларини имзо қўйиб қабул қилиб оладилар.

**САЙЛОВ ОКРУГИНИНГ ЧЕГАРАЛАРИ** – сайловчилар муқим ёки кўпинча яшайдиган ва сайлаб қўйиладиган органга ўз вакилини сайлашда иштирок этадиган муайян ҳудуд доираси.

Сайлов округи чегаралари тегишли ҳудудда рўйхатга олинган сайловчилар сони ҳақидаги маълумотлар асосида белгиланади. Сайловчилар сони ҳақидаги маълумотлар давлат ҳокимиятининг ижро органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек, ҳарбий қисмлар командирлари томонидан тақдим этилади. Марказий сайлов комиссияси сайлов округлари рўйхатини уларнинг чегаралари ва сайловчилар сонини кўрсатган ҳолда сайловга камида етмиш беш кун қолганида эълон қилади.

Тенг сайлов ҳуқуқи принципига амал қилинишини таъминлаш мақсадида сайлов округлари қарийб тенг миқдордаги сайловчилардан иборат таркибда тузилади. Сайловчиларнинг ўртача вакиллик нормасидан 10 фоиздан кўп бўлмаган даражада четлашишга йўл қўйилади.

**НОМЗОДНИНГ ИШОНЧЛИ ВАКИЛИ** – рўйхатга олинган номзод томонидан тайинланадиган, ўз фаолияти билан тегишли номзоднинг сайланишига кўмаклашадиган ва сайлов тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ махсус мақомга эга бўлган шахс. Ишончли вакилларни тайинлаш рўйхатга олинган номзодларнинг мажбурияти эмас, балки ҳуқуқидир. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод беш нафарга қадар ишончли вакилга эга бўлиши мумкин.

Ишончли вакиллар номзод депутат этиб сайланиши учун ташвиқот юритадилар, давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг органлари, сайловчилар билан ўзаро муносабатларда, шунингдек, сайлов комиссияларида номзоднинг манфаатларини ҳимоя қиладилар.

Депутатликка номзод рўйхатга олинганидан кейин ўз ишончли вакилларини ўзи белгилайди ва бу ҳақда округ сайлов комиссиясига маълум қилади. Сайлов комиссияси ишончли вакилларни рўйхатга олади ва уларга гувоҳнома беради.

Депутатликка номзод округ сайлов комиссиясига маълум қилган ҳолда сайловга қадар ўз ишончли вакилини истаган вақтда ваколатидан маҳрум қилиши ва уни бошқаси билан алмаштириши мумкин. Ишончли вакил истаган вақтда ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилишга ҳақли.

Ишончли вакил сайлов комиссиясига аъзо бўлиши мумкин эмас.

**САЙЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИ** – сайловчилар рўйхатлари, сайлов варақалари, сайлов бюллетенлари, сайлов комиссияларининг қарорлари (баённомалари) ва бошқалар. Сайлов ҳужжатларини қалбакилаштириш маъмурий ва жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

*(Боши ўтган сонларда)*

*(Давоми 3-бетда)*

# ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ҚУРУЛТОЙДАН ҚУРУЛТОЙГАЧА

***Инсонга наф келтириш – олий бахт шиори остида фаолият юритиб келаётган Ўзбекистон касаба уюшмалари навбатдаги қурултойга ҳар томонлама қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Жойларда бўлиб ўтаётган ҳисобот-сайлов йиғилишларида беш йил ичида амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилиниб, асосий эътибор галдаги вазифалар, ечимини кутаётган муаммолар ҳамда камчиликларни бартараф этиш омилларига қаратилмоқда. Зеро, бозор шароитида меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялаш, уларга қулай шарт-шароит яратиш, қолаверса, меҳнат муҳофазаси, соғломлаштириш, жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш борасидаги кенг кўламли ишлар ва қўлга киритилган натижалар ҳақида алоҳида тўхталиш жоиз.***

Газетамизда бундан буён изчил бериб бориладиган «Ўзбекистон касаба уюшмалари қурултойдан қурултойгача» катта сарлавҳа остидаги чиқишларда худди ана шулар ҳақида атрофлича ҳикоя қилинади.

## ҲАМИША МАДАДКОРМИЗ

***Меҳнат аҳлининг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш мамлакатимизда амалга оширилаётган кучли ижтимоий сиёсатнинг асосий йўналишларидан биридир.***

Бу борада энг оммавий жамоат ташкилоти - касаба уюшмаларнинг аҳамияти беқиёс. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ЎзКУФКнинг III Қурултойи иштирокчиларига йўллаган табригида таъкидланганидек, меҳнат аҳлига моддий-маънавий кўмак бериш, уларнинг саломатлиги ва дам олиши билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш, меҳнат қонунлари ва жамоа шартномалари ижросини мунтазам назорат қилиш, жамоатчилик онгида ўзини-ўзи бошқариш кўникмаларини тарбиялаш, одамларнинг ташаббус ва изланишларини рағбатлантириш, айниқса муҳимдир.

Касаба уюшмаларнинг қурултойдан қурултойгача бўлган даврдаги иш фаолиятига назар ташлар эканмиз, улар сон ва сифат жиҳатдан мустаҳкамланиб, ҳозирги ҳаракатдаги 5064 та жамоа шартномалари, 27 та тармоқ битишувлари, келишувлар мазмун-моҳиятида кўрамиз.

Ана шу битишув, жамоа шартномалари орқали 590 минг нафар касабачиларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари қамраб олинган. Меҳнат муҳофазаси, ойлик маошларнинг узлуксиз тўланишига эришиш, илғорларни моддий рағбатлантириш, ишчилар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш, бир сўз билан айтганда, инсонга мададкор бўлиш жамоа шартномалари, тармоқ битишувларига асос қилиб олинган.

Аҳолини ижтимоий-иқтисодий ҳимоялашнинг биз тилга олган ушбу муҳим бўғинлари Кенгашнинг Пленум ҳамда раёсат мажлисларида мунтазам муҳокамадан ўтказилиб, ижро интизоми изчил назорат қилиб борилмоқда.

Касаба уюшма фаоллари кечаги кунга нисбатан жанговар, принципиал, ташкилотчи, ташаббускор куч, меҳнаткашларнинг фаол кўмакдошига айланиб бораётганлиги қувонарлидир. «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси касаба уюшма қўмитасида меҳнат кишиларини ижтимоий-иқтисодий ҳимоялашга бағишланган республика минтақавий семинар кенгаши ўтказилди. «Обод маҳалла йили», «Қарияларни қадрлаш йили», «Оналар ва болалар йили» муносабати билан Давлат дастурлари ижроси жамоа шартномаларидан ўрин олди.

Айниқса, «Обод маҳалла йили» Давлат дастурининг бажарилишида вилоят ҳокимлиги билан Кенгаш ўртасида имзоланган жамоа битишувининг аҳамияти катта. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 7 февралдаги «Обод маҳалла йили» бўйича аҳолини ижтимоий-иқтисодий ҳимоялашга қаратилган қарори ҳудудий битишувлар орқали ижро этилди.

Ҳудудий Келишувларга маҳаллаларда истиқомат қилаётган кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялаш, эҳтиёжманд хонадонларнинг фарзандларини бепул ўқув қуроллари, дарсликлар, кийим бошлар билан таъминлаш, ёшлар ўртасида спорт-соғломлаштириш ишларини кучайтириш, янги иш ўринлари яратиш юзасидан қўшимча бандлар киритилди. «Меҳрибонлик», «Мурувват» уйлари тарбияланувчиларига 40 миллион сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечаклар, ўқув жиҳозлари билан ёрдам кўрсатилди. Туманлардаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш ҳисобига янги иш ўринлари барпо этилди.

*(Давоми 2-бетда)*



***Ўзбекистон Бадиий академияси Замонавий санъат марказида Риштон кулоллари ижодига бағишланган бадиий кўргазма очилди.***

## КУЛОЛЧИЛИК КЎРГАЗМАСИ

Риштон усталари бетакрор услуб ва анъаналарга эга. Моҳир ҳунармандлар кулолчиликнинг йўқолиб бораётган ноёб афзалликларини сақлабгина қолмай, балки миллий кулолчилик мактабининг қадимий анъаналари ва жозибадор услубларини ривожлантириб, уни санъат даражасига кўтара олдилар. Шаклларнинг эркин безаги, нафис гуллар нақши, мовий, ложувард ва феруза ранглар мавжи - Риштон кулолчилик мактабининг ўзига хос жиҳатларидандир.

Бу борада Ашурали Йўлдошев, Кимсанбой Ғанижонов, Алишер Назиров каби усталарнинг муносиб ҳиссаси бор. Улар ишлаган буюмлар Япония, Германия, Франция, Россия каби давлатлардаги фестивал ва танловларда катта муваффақият қозонган. Кўргазмада ана шу усталар ва уларнинг шогирдлари ижодига мансуб кулолчилик буюмлари билан танишиш мумкин.

**(ЎзА)**

*«Шуҳрат» медали соҳиблари*

# АЖОЙИБ ТАШАББУС

## тадбиркор маҳаллада спорт мажмуаси қуришга киришди

***Қоракўллик Шокиржонга дурадгорлик ота касб. Падари бузруквори Баҳриддин умр бўйи устачилик билан шуғулланиб, қанчадан-қанча ҳамюртларига кўркам турар-жойлар қуриб берди. Одамларнинг юмушини осон қилиб ҳурмат-эътибор орттирди.***

– Ҳунар – зар, - дея ботбот такрорлайди юзидан нур ёғилиб турган муйсафид. – Кимки бирон-бир касбни эгаллаб, ишга сидқидилдан ёндашса, хор бўлмайди.

Ота ўгитларини жон-дилдан тинглаб, панд-насиҳатларига амал қилган Шокиржон ёшлигидан дурадгорликка меҳр қўйди.

2003 йилнинг бошида у Қоракўл тумани марказида «Ғолиб мебел» савдо ишлаб чиқариш фирмасини ташкил этди. Шахсий жамғармасидан 10 миллион сўм маблағ сарфлаб, дурадгорлик ускуналари сотиб олди. Мўъжаз цех қад кўтарди. Етти нафар малакали уста ишлаётган кичик жамоа бултур 17,5 миллион сўмлик 12 турдаги халқ истеъмол моллари ва уй-рўзғор буюмлари ишлаб чиқарди. Туман марказида савдо дўкони очди. Сифатли буюмларнинг харидорлари кўпайди. Ташкилотлардан талабномалар туша бошлади.

Корхонанинг дурадгорлик цехидамиз. Бу ерда меҳнат мароми авжига чиққан. Дастгоҳлар гувиллаб ишлаяпти. Қўлигул усталар оддий ёғочга моҳирлик билан ишлов бериб, болалар боғчалари, мактаблар учун кабинет жиҳозлари, ўқувчи парталари, стол-стул, диван-кресло, китоб ва ошхона жавонлари, бошқа уй-рўзғор буюмларини тайёрлашмоқда.

Бизнес режага кўра жорий йилда 20 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади. Буюмлар Олот, Жондор, Қоракўл туманлари истеъмолчилари, боғча, мактаб ва лицей-интернатларга етказиб берилади.

Бош уста Шокиржоннинг ўғли Ғолиб Мирзаев, шогирдлари Олим Баратов, Фарҳод Эргашев, Рустам Мирзаев, Алимардон Ҳасанов каби дурадгорлар ҳар бир юмушни сидқидилдан адо этишга одатланишган. Дўкон мудираси Махфират Ҳайитова мижоз билан хушмуомилада бўлиб, намунали хизмат кўрсатаяпти.

Мустақилликнинг 13 йиллиги олдидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига асосан «Шуҳрат» медали билан мукофотланган Шокиржон Мирзаев яқинда ажойиб ташаббус билан чиқди. «Зарафшон» маҳалласида чала қолиб кетган идора биносини 2 миллион сўмга сотиб олиб, спорт мажмуаси қуришга киришди. Янги йил арафасида ишга тушадиган иншоотда, машқлар ўтказиш зали, теннис майдончаси ва спортнинг бошқа турлари билан шуғулланадиган хоналар қурилади.

– Тадбиркор ҳимматидан мамнунмиз, - дейди маҳалла қўмитаси раиси Анвар Ҳасанов. – Кам таъминланган оилалар ва ёлғиз қарияларга баҳоли-қудрат кўмаклашиб турибди. 18-мактабнинг иситиш қувурларини таъмирлаб берди.

Мирзаевлар оиласини ҳақли равишда ҳунармандлар сулоласи, деб аташ мумкин. Турмуш ўртоғи Нодира Мирзаева қизи Наргиза ёрдамида тикувчилик билан шуғулланади. Уларнинг қўлида сайқал топган хушбичим кийим-кечакларнинг харидори кўп.

– Туман марказидан 1 гектар ер олиб, кичик корхонани янада кенгайтирамиз, - дея суҳбатни давом эттирди фирма раҳбари. – Келгусида мебеллар ишлаб чиқарадиган фабрика қурамиз.

Интилганга т оле ёр, дейдилар. Уста Шокирнинг орзулари амалга ошишига шубҳа йўқ.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*«Ишонч»га жавоб берадилар*

## 14 КИШИГА ЕР УЧАСТКАСИ АЖРАТИЛДИ

Газетамизнинг шу йил 7 сентябр сонида «Бюрократ раис...» сарлавҳали танқидий мақола эълон қилинганди. Унда Андижон вилоятидаги Т.Тошматов номли ширкат хўжалигида ер участкаларини сотиб олиш юзасидан «Ким ошди савдоси»да ғолиб чиққанларга ўз мулкларига эгалик қилишларига тўсиқ қўйилаётганлиги фош этилганди.

Яқинда таҳририятимизга ушбу чиқиш юзасидан жавоб хати келди. Унда шундай дейилади:

«Мақола туман, қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимида мутасаддилар иштирокида ўрганилди ва кенг муҳокама қилинди.

Ҳақиқатан ҳам Т.Тошматов номли ширкат хўжалиги 2001 йил 22 феврал куни умумий йиғилиши қарори билан аукционга қўйиш учун ер майдони ажратган. Унда ғолиб чиққан 18 нафар фуқаронинг 4 нафари 2003 йил кузида ўзларига тегишли ер участкасини олган. Қолган 14 фуқаро ширкат хўжалиги раисининг айби билан мулкларини ололмай, сарсон бўлишган. Ҳозирда уларга ҳам ер участкалари тўлиқ ажратилди. Ширкат раиси Ғ.Худойбердиев эса йўл қўйган камчиликлари учун жиддий огоҳлантирилди.

**М.ЭГАМОВА,**
**Жалақудуқ туман ҳокими**

# САЙЛОВ КАМПАНИЯСИ ЛУҒАТИ

*(Боши 1-бетда)*

**ФУҚАРОНИНГ ШАХСИНИ ТАСДИҚЛОВЧИ ҲУЖЖАТ** – паспорт ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжат. Қонунчиликка мувофиқ, паспорт ўрнини босувчи ҳужжатлар сирасига офицерлик гувоҳномаси, муддатли хизмат ҳарбий хизматчисининг ҳарбий билети, ички ишлар органи томонидан берилган белгиланган намунадаги маълумотнома киради. Сайловчилар рўйхатига киритилган сайловчи паспортини ёки паспорт ўрнини босувчи, ушбу фуқаронинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатни кўрсатганидан сўнг унга сайлов бюллетени, варақаси берилади.

**ОЛДИНРОҚ ОВОЗ БЕРИШ** – сайлов куни ўз турар жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган ва участка комиссиясига кела олмайдиган сайловчининг олдинроқ овоз бериш имкониятини таъминлашга қаратилган институт.

Сайлов куни ўз турар жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган сайловчи яшаш жойидаги участка сайлов комиссиясидан сайлов варақасини талаб қилиб олиши, бир қарорга келгач, тўлдирилган сайлов варақасини конвертга солиб, уни ёпиқ ҳолда участка комиссиясида қолдириши мумкин. Сайловчи сайлов варақасини олганлиги ҳақида сайловчилар рўйхатига имзо қўяди. Сайлов варақасининг шакли, сайлов варақаларини тайёрлаш тартиби, уларни сайлов участкаларига етказиб бериш муддатлари Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади.

Сайловчига олдинроқ овоз бериш имконини берадиган узрли сабаблар қаторига таътил, хизмат сафари, меҳнат ва таълим фаолияти режими, давлат ва жамоат олдидаги мажбуриятларини бажариш, саломатлигининг яхши эмаслиги кабилар киради ва оқибатда тегишли шахс овоз бериш куни турар жойида бўлмайди ва ўзи рўйхатга киритилган участкадаги тегишли участка сайлов комиссиясига кела олмайди.

Участка сайлов комиссиялари томонидан олдинроқ овоз бериш чоғида яширин овоз берилиши таъминланиши шарт, сайловчининг хоҳиш-иродаси бузиб кўрсатилишига мутлақо йўл қўйилмайди. Комиссиялар сайлов варақаларининг сақланиши ҳамда овоз бериш якунларини чиқариш ва сайловлар, референдум натижаларини аниқлаш пайтида олдинроқ овоз берганларнинг овозларини ҳисобга олинишини таъминлашга мажбур ҳисобланади. Овоз бериш тугагач, сайлов қутиларини очишдан олдин участка сайлов комиссиясининг аъзолари ҳозирлигида сайлов варақалари солинган ёпиқ конвертлар қутига ташланади.

Ҳамма танишиши учун осиб қўйилган сайловчилар рўйхатидаги олдинроқ овоз берган тегишли фуқаролар фамилияларининг рўпарасига "Олдинроқ овоз берган", деб белги қўйилади.

**САЙЛОВ БЮЛЛЕТЕНИНИ ТАСДИҚЛАШ** – сайлов бюллетени юзасининг ўнг томони юқори бурчагига участка сайлов комиссиясининг икки аъзоси имзо қўйиши ва имзоларнинг участка сайлов комиссияси муҳри билан тасдиқланишидан иборат сайлов амалиёти. Сайлов бюллетенини тасдиқлаш "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги қонуннинг 36-моддаси талабларига мувофиқ, қалбаки (сохта) бюллетенлардан фойдаланишнинг олдини олишга қаратилган қўшимча кафолатларни таъминлаш мақсадида амалга оширилади. Комиссия томонидан тасдиқланмаган сайлов бюллетенлари овозларни санаб чиқишда ҳисобга олинмайди.

**САЙЛОВЧИЛАР РЎЙХАТИНИ ТАСДИҚЛАШ** – сайловчилар рўйхатининг участка сайлов комиссияси раиси ва котиби томонидан имзоланиши ҳамда сайлов комиссияси муҳри билан тасдиқланишидан иборат сайлов амалиёти.

**САЙЛОВ БЮЛЛЕТЕНИНИНГ (ТЕХНОЛОГИК) ҲИМОЯСИ** – сайлов бюллетенларини тайёрлашда уларнинг қалбакилаштирилиши олдини олиш ёки қийинлаштириш мақсадида қўлланиладиган технология усулларининг мажмуи.

Сайлов бюллетенларини тайёрлаш чоғида қуйидаги ҳимоя даражаларини қўллаш мумкин:

1) бюллетеннинг юза ёки сирт қисмига матбаа усули билан рангли фон ёхуд ҳимоя чоркатаги аксини тушириш (ҳимоя чоркатаги расмининг шакли, ранги ва шу каби бошқа жиҳатларини танлаш борасида чекловлар йўқ);

2) махсус қоғоздан фойдаланиш (идоравий нусха кўчириш ускунасида ишлатиб бўлмайдиган даражада муайян қалинликка эга қоғоздан; сув белгили кўплаб тасвирлар туширилган қоғоз; рангли қоғоз);

3) махсус бўёқлар ёрдамида матбаа усули билан бюллетен бланкасига ёзувлар ёзиш ёхуд бюллетен матнига (депутатликка номзодлар ҳақидаги ёки референдум масалаларига оид матндан бошқасига) битта ёки бир нечта белги тушириш;

4) бюллетен матнидаги (депутатликка номзодлар ҳақидаги матндан бошқасидаги) хитоб белгиси шрифтининг ўлчамини ўзгартириш;

5) матбаа усули билан бюллетен бланкасига микрошрифтда ёзувлар ёзиш.

Бу борадаги ҳимоя даражалари санаб ўтилган усуллар билан кифояланмайди. Марказий сайлов комиссияси қарорига мувофиқ бюллетенларни ҳимоялашнинг бошқа хил усуллари ҳам қўлланиши мумкин. Бунда бюллетенни ҳимоялаш даражасининг қўлланиши, шунингдек, бу усуллардан бир неча хилининг аралаш ҳолда қўлланиши сайловчининг бюллетендаги матнни ёхуд матндан бир қисмини тўғри тушунишига ёинки бюллетенларнинг ва улардаги матннинг бут сақланишига халал бермаслигини инобатга олиш керак.

**САЙЛОВЧИ** – фаол сайлов ҳуқуқига эга Ўзбекистон Республикаси фуқароси (қаранг: фаол сайлов ҳуқуқи). Овоз беришни ўтказиш ва сайлов натижаларини аниқлаш учун фаол сайлов ҳуқуқига эга фуқаролар сайловчилар рўйхатига киритилади.

Асосий ҳуқуқ – сайловда овоз беришда иштирок этиш ҳуқуқидан ташқари, қонунчиликда фуқаронинг бошқа бир қатор ҳуқуқлари белгиланган ва уларни рўёбга чиқариш кафолатлари кўзда тутилган. "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ ҳар бир фуқарога унинг сайлов ҳуқуқлари суд йўли билан ҳимоя этилиши, сайлов комиссияларининг, давлат органларининг, мансабдор шахсларнинг, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш имкониятлари кафолатланади.

**САЙЛОВ КАМПАНИЯСИ** – сайлов кампанияси бошланганлиги ҳақидаги Марказий сайлов комиссияси қарори расмий эълон қилинган кундан сайлов натижалари расмий эълон қилинадиган кунгача бўлган оралиқдаги давр.

Сайлов кампанияси бошланганлиги аввалги чақириқ депутатларининг ваколат муддати тугашидан камида уч ой олдин Марказий сайлов комиссияси томонидан оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

**САЙЛОВ ТИЗИМИ** – давлат ҳокимияти органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларини (кенг маънода) шакллантириш тақозоси билан юзага келадиган ижтимоий муносабатлар мажмуи. Сайлов тизими демократик жамиятнинг энг муҳим ва зарур унсурларидан бири ҳисобланади.

Сайлов тизими қуйидаги принципларга асосланади: сайловнинг умумийлиги принципи, бунга кўра муомала лаёқатига эга барча фуқаролар сайловда иштирок этади. Сайловнинг эркинлиги принципи бўйича сайловда қатнашиш-қатнашмасликни, агар қатнашса қай даражада қатнашиши мумкинлигини ҳар бир сайловчининг ўзи ҳал этади. Фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги принципи барча фуқароларнинг сайлов натижаларига таъсир ўтказиш борасида тенг имкониятларга эга эканлигини назарда тутади. "Сайлов тизими" тушунчасини, тор маънода, номзодлар ўртасида сайловчилар овозлари натижаларидан келиб чиқиб мандатлар тақсимланиши сифатида талқин этиш ҳам мумкин. Сайлов тизимининг асосий иккита – мажоритар ва пропорционал тизимлари мавжуд. Мажоритар тизимда сайлов округида энг кўп миқдорда овоз олган номзод сайланган ҳисобланади. Пропорционал тизим депутатлик мандатларини сайловчиларнинг берган овозлари улушига мувофиқ равишда тақсимлашни назарда тутади.

**ФУҚАРОЛАРНИНГ САЙЛОВ ҲУҚУҚИ** – Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг давлат ҳокимияти органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига сайлаш ва сайланиш, шу жумладан, номзодлар кўрсатишда, сайловолди ташвиқотида иштирок этиш, сайловларнинг ўтишини, сайлов комиссияларининг ишини, жумладан, овоз бериш якунларини чиқариш ва сайлов натижаларини аниқлаш, шунингдек, бошқа сайлов амалиётларини кузатишдан иборат конституциявий ҳуқуқи.

**САЙЛОВ ОКРУГИ** – "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида" ҳамда "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги қонунларга мувофиқ тузилган ҳудуд. Бу ҳудуддан бевосита Ўзбекистон фуқаролари томонидан депутат сайланади. Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи сайлов округларининг чегаралари Марказий сайлов комиссияси томонидан, қонунчиликда кўзда тутилган тегишли қоида ва тартибга мувофиқ, сайловчилар сони ҳақидаги маълумотларга асосланган ҳолда тузилади.

**БИР МАНДАТЛИ САЙЛОВ ОКРУГИ** – бир депутат сайланадиган сайлов округи.

Бир мандатли сайлов округлари сайловчилар сони ва сайлов округи ҳудуди яхлитлиги бўйича мутаносиб бўлиши талабларига асосланиб ташкил этилади.

**ИМЗО ВАРАҚАСИ** – сиёсий партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайловларда иштирок этишини, сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг ўз номзодларини рўйхатдан ўтказиш мақсадида кўрсатишини қўллаб-қувватлаш учун тузиладиган ҳужжат. Сайловчи имзо варақасини тўлдириш орқали сиёсий партияни ва номзод кўрсатишни қўллаб-қувватлайди.

---

*2004 йил – Меҳр ва мурувват йили*

# ОРОЛБЎЙИ АҲОЛИСИ

## ҳукуматимизнинг катта мададини чуқур ҳис қилиб яшамоқда

***Савоб ишлар, хайрли амаллар кўнгли ўксик кишилар қалбига қувонч бағишлаб, хонадонига яхши ниятларни олиб киради. Оролбўйида «Меҳр ва мурувват йили» дастури ижросини таъминлашга жиддий аҳамият бериляпти.***

***Юртбошимиз ва ҳукуматимизнинг доимий меҳрибонлиги туфайли моддий ва ижтимоий турмушда ижобий ўзгаришлар рўй берди, аҳолининг ижтимоий муҳофазасини таъминловчи мустаҳкам меъёрий ҳуқуқий асослар яратилди.***

Орол денгизининг қуриши оқибатида юзага келган демографик вазият фуқароларга меҳр-оқибатни кучайтириш, ижтимоий муҳофазани ташкил қилишга мутасадди ташкилотлар, хайрия жамғармалари, фуқаролар йиғинлари, тадбиркорлар ва ишбилармонларни кенг жалб қилишни тақазо этади. Оролбўйида умргузаронлик қилаётган 168,5 мингга яқин давлат таъминотидаги кишилар, шундан 101285 нафар ёшга доир нафақахўрлар, 58320 нафар ногиронлар ва бошқа ёрдамга муҳтожлар доимий ғамхўрлик билан қуршаб олинган. Республика Президентининг Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан 1215 та якка ёлғиз кексалар, 923 нафар ёрдамга муҳтож қария ва ногиронларга манзилли ёрдам кўрсатиляпти.

Нукус шаҳар кўзи ожизлар жамияти раиси Қ.Шароповнинг маълум қилишича, республика марказидаги 15-, ва 20-маҳалла кенгашлари ҳузурида кўзи ожиз болаларни ўқитиб, компьютерга ўргатиш марказлари ташкил этилган. 10-махсус мактаб интернатнинг ўқувчиларига Брайл ёзуви бўйича инглиз тилидаги китоблар совға қилинди. Нукус ишлаб чиқариш корхонаси иқтисодини мустаҳкамлаш учун қорамоллар олиб берилди.

Соҳиб Будиков раҳбар бўлган Қўнғирот темир йўл бекати маъмуриятининг ташаббуси билан тизимда узоқ йиллар ишлаган фахрийларга катта иззат-ҳурмат кўрсатилмоқда. Яқинда жамоа аъзолари Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган шифокор Дурдиниёз Холниёзов, Орухон Сейдамбетова, Нозима Серсенбоева каби нафақахўрларни бир пиёла чойга таклиф қилиб, қимматбаҳо совғалар топширдилар.

Инсон кўнглини кўтаришга қаратилган бундай ибратли ишлар Тўрткўл, Амударё, Элликқалъа, Беруний, Чимбой, Кегайли туманлари, Хўжайли, Тахиатош, Нукус шаҳарларининг овул ва маҳаллаларида ҳам уюштирилди. Ҳомийлар томонидан Хўжайлидаги Меҳрибонлик уйига ажратилган 12 миллион сўм маблағ тарбия масканининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга сарфланди.

Кексалар меҳнати ҳамиша юксак қадрланган. Нукус туманидаги «Саҳоват» деҳқон-фермер хўжалиги раҳбари Алланиёз оға Утениёзов «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони билан тақдирланди. Аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашдаги самарали хизмати учун «Нуроний» жамғармаси Амударё бўлими раиси Туркпенбой Ўразбоев «Шуҳрат» медали билан мукофотланди. Ишлаб чиқаришда катта тажриба орттирган Султонмурод Каниязов «Қорақалпоқ буян» очиқ ҳиссадорлик жамиятига кўп йиллардан бери раҳбарлик қилиб хўжалик иқтисодиёти маданий турмуши ривожланиши йўлида фидойилик кўрсатмоқда.

Меҳр ва мурувват йилининг ўзига хос хусусияти ва тарбиявий аҳамияти шундан иборатки, халқимизга хос меҳр-оқибат, саховат ва мурувват, кексаларни эъзозлаш, қадриятларимизни тиклаш каби азалий анъаналар янада кенгайиб, ҳаётимизнинг мазмун-моҳиятини бойитишга хизмат қиляпти, – дейди Қорақалпоғистон Республикаси меҳнат ва аҳолини муҳофаза қилиш вазири А.Собуров. – Фахрийлар ва нафақахўрлар, ногиронлар ўзларига яратилган имтиёзлардан кенг фойдаланишяпти. Ёлғиз қарияларнинг уй-жойлари таъмирланиб, тиббий хизмат кўрсатиляпти.

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ҳудудий бўлимлари билан ҳамкорликда 100 мингга яқин кексалар ва ногиронлар диспансер кўригидан ўтказилди. Улардан 52 минг нафари стационар ва амбулаториялар орқали даволанди, 300 нафари сиҳатгоҳларда соғлигини тиклади. Уруш қатнашчиларига 100 минг сўмдан, юз ёшдан ошган қарияларнинг ҳар бирига 72 минг сўмлик совғалар берилди. 2946 киши умумий нархи 10,9 миллион сўмлик имтиёзли дори-дармонлар, 30 та ногиронлик аравачалари, 200 дан ортиғи қўлтиқтаёқ ва ҳассалар, протез-ортопедик маҳсулотлари билан таъминланди. 8 мингга яқин кишига ҳомийлар томонидан 46,3 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. 3040 нафар фахрийлар имтиёзли транспорт хизматидан фойдаланмоқда.

Амударё туманидаги «Ерлапес» фермер хўжалиги раҳбари Ерлапес Бобониёзов қишлоғидаги мактабнинг 1-4 синф ўқувчиларига дарсликлар олиб берди. Кексаларга ҳурмат, кичикларга иззат кўрсатиш улуғ инсоний қадрият. Нуроний отахонлар, мунис ва меҳрибон онахонларни эъзозлаш, уларнинг хизматини қилиб дуосини олиш, ардоқлаш олижаноб фазилат. «Нуроний» жамғармаси Қорақалпоғистон Кенгаши раиси «Эл-юрт ҳурмати» ордени нишондори Жалил ота Муятдинов, «Маҳалла» жамғармаси раиси Ўринбой Медиёров, Нукус туманидаги Отамурод Давлатмуродов, Тўрткўлдан Норбой Матмуродов, «Нуроний» деҳқон-фермер хўжалиги раҳбари Гулзира Ўрозбоева сингари фаоллар овуллар ва маҳаллаларда бўлиб ёшлар тарбияси, тинчлик ва осойишталикни сақлаш хусусида суҳбат ва мулоқотлар уюштиришмоқда.

Байрам ва ҳайит кунларида кам таъминланган оилаларга ташриф буюриб, мурувват кўрсатиш, озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-рўзғор буюмларидан иборат совға-саломлар тарқатиш анъанага айланиб қолган. Ҳомийлар томонидан 1873 нафар ёлғизларга 9,2 миллион сўмлик ёрдам кўрсатилди ва 74 нафар ўзгалар қарамоғига муҳтож кексаларга 300 минг сўмлик қўшимча кўмак берилди. Ўзгалар парваришига муҳтож кишиларга умумий нархи 18,2 миллион сўмлик 9 хил бепул озиқ-овқат маҳсулотлари ва кир ювиш воситалари тарқатилди.

Жойлардаги фуқаролар йиғинлари билан биргаликда янгитдан ижтимоий ҳимояга муҳтож 932 нафар қария рўйхатга олинди ва уларга моддий ёрдам берувчи ҳомий ташкилотлар белгилаб қўйилди. «Қизил Ярим Ой» жамиятининг ва ижтимоий таъминот бўлимларининг 230 нафар ходимлари уйида ётиб қолган бемор кишилар ҳолидан хабар олиб туришибди. Амалга оширилаётган ҳайр-саховат ишлари фуқароларга моддий ёрдам кўрсатиш, уй-жойларини таъмирлашга кўмаклашиш, дори-дармонлар, ногиронлар аравачалари таъминоти, даволаш муассасаларига жойлаштириш, дамолиш уйлари ва санаторийларга бепул йўлланма бериш, транспортда қатнаш учун итиёзлар яратиш, пенсия ва нафақаларини вақтида тарқатиш каби кундалик ҳаётий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган. Энг муҳими, ижтимоий муҳофаза аҳлининг кам таъминланган қатламига етиб бормоқда.

**И.ИСОМИДДИНОВ**

---

Навоий шаҳар прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бўлими «Ибод Сарвар» хусусий фирмасининг 2003-2004 йиллардаги фаолиятини текширганида кўплаб қонун бузилишларга йўл қўйилгани аниқланди. Масалан, ўтган даврда фирма банкдаги ҳисоб рақами орқали эллик миллион сўмлик товар муомаласини амалга оширган. Бироқ 852 минг сўмлик солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар тўланмаган.

## ҚОНУН БАРЧАГА БАРОБАР

Фирма Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 июндаги «Нақд пул муомаласини мустаҳкамлаш ва тижорат банкларининг масъулиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори талабларини ҳам қўпол равишда бузган. «Навоийдонмаҳсулотлари» акционерлик уюшмасидан 200 тонна ун олиб, махсус рухсатномаси бўлмаса-да, чакана савдо билан шуғулланган. Устига устак савдодан тушган нақд пулни банкка топширмаган.

Суд ушбу ҳолат юзасидан фирма раҳбари И.Усмоновга 816 минг сўм жарима солди.

---

*Турли касб эгалари*

# ҚАЛБДА ИШТИЁҚ БЎЛСА

***Кўпчиликка сидқидилдан хизмат қилган, одамларга яхши муомалада бўлган кишилар доимо ҳурмат-эътиборда бўлишади. Бекобод туманидаги автобус-такси саройига қарашли «ЛАЗ» русумли автобус ҳайдовчиси Ҳакимжон Алимов ҳақида ҳам доим илиқ сўзларни айтишади.***

Ҳакимжон ота ўгитига, устозлари кўрсатмасига амал қилиб кам бўлмади. 1984 йилда автосарой устахонасида созловчи бўлиб иш бошлаган йигит айни кунларда йўловчиларнинг узоғини яқин қилиб, элнинг дуосини олмоқда.

Ҳ.Алимовни ҳамкасбларидан ажратиб турадиган хислати – бу унинг хушмуомалалигидир. У йўловчиларни доимо очиқ чеҳра билан кутиб олади. Яхши муомаласи билан улар кўнглига яқин бўлиб қолган. Ўзаро рақобат кучайган бугунги кунда ҳар бир ҳайдовчи одамларга ўз хизматини таклиф қилиши, уларни жалб этиши зарур.

– Йўловчиларга намунали хизмат кўрсатиш кундалик юмушингга айлангандагина, ишингда унум, касбингда барака бўлади, – дейди Ҳакимжон ака. – Бунинг учун аввало интизомли бўлиши талаб этилади. Ўз вақтида ҳаракатланиш, одамларни бекатда маҳтал қилмаслик лозим. Ҳайдовчи учун яна бир муҳим шарт шуки, кайфиятинг қандай бўлишидан қатъи назар одамларга сидқидилдан, намунали хизмат кўрсатиш даркор.

**Темур ҲАЙДАРОВ,**
**«Ишонч» мухбири**




---

*Шарҳловчи минбари*

# ҲАМИД КАРЗАЙ – АФҒОНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ

***Шу йилнинг 9 октябрида Афғонистонда президент сайлови бўлиб ўтган эди.***

Куни кеча сайловда Афғонистон Мувaққат ўтиш давлати раҳбари Ҳамид Карзайнинг ютиб чиққанлиги расман эълон қилинди. Бу янгиликни марказий сайлов комиссияси вакили Султон Бахин маълум қилди, дейилади Франс-пресс агентлигининг хабарида.

Сўнгги маълумотларга кўра, Хамид Карзай номзодини сайловда қатнашганларнинг 55,4 фоизи ёқлаган. Бу натижа қолган 15 нафар номзодни ортда қолдириш учун етарли бўлди. Чунки, Афғонистонда президент сайловида ғалаба қилиш учун мутлақ кўп овоз тўпланиши кифоя.

Кузатувчилар Афғонистонда илк бор демократия тамойиллари асосида ўтказилган мазкур сайлов мамлакатнинг тикланиш йўлидаги муҳим тарихий қадам бўлганини эътироф этмоқда. Узоқ йиллик фуқаролар уруши ва ундан кейин «Толибон» зуғумларидан зада бўлган халқ биринчи марта ўзига раҳбар сайлаш имкониятига эга бўлди.

Овоз бериш жараёни демократик сайлов қонун-қоидаларига мос ўтгани, афғон халқининг аксар қисми ислоҳотларни бошлаб юборган Ҳамид Карзай учун овоз бергани мамлакатда янгиланиш ва бунёдкорлик кайфияти етилиб бораётганидан далолатдир.

**(ЎзА)**

---

**«ПАХТА БАНК»**

# ЗАМОНАВИЙ СЎМ ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!

**1.** «Пахта Банк» сўм пластик карточкаси – Бу Сизнинг ҳамёнингиздир. Республикамизнинг исталган манзилига шу биргина пластик карточка билан бориб келиш имкониятингиз мавжуд.

**2.** «Пахта Банк» сўм пластик карточка эгалари учун карточкалардаги қолдиқ суммага ҳар ойда 2,5 устама фоиз, ойма-ой капитализация ҳисобига эса йиллик 34,5 фоиз устама даромад ҳисобланади.

**3.** Сўм пластик карточкасига эга бўлиш учун шахсингизни тасдиқловчи ҳужжат ҳамда банк бошқарувчиси номига ариза билан мурожаат қилсангиз кифоя. Банк маъмурияти Сизнинг ушбу аризангизга асосан 15 дақиқа ичида пластик карточкангизни расмийлаштириб беради.

**4.** Пластик карточкадан фойдаланиш учун Сиз ўзингиз танлаган ва пластик карт хотирасига киритилган паролдан фойдаланасиз, натижада ўзга шахсларнинг пластик карточкангиздан фойдаланиш эҳтимоли батамом йўқолади.

**5.** Республика миқёсида дўконларга ва савдо хизмат кўрсатиш шохобчаларига ўрнатилган терминаллар ёрдамида нақд пулсиз тўловларни амалга ошириш имкониятига эга бўласиз.

**6.** «Пахта Банк» сўм пластик карточкаси орқали нақд пулсиз равишда коммунал хизмат учун ҳисоб-китоб қилишингиз мумкин.

**7.** Шартнома асосида таълим олаётган талабаларнинг контракт тўловларини пластик карточка орқали нақд пулсиз амалга оширишингиз мумкин.

**8.** Метрополитендан фойдаланиш мақсадида йўл кира ҳақини пластик карточка орқали тўлашингиз мумкин.

**9.** Пластик карточкангиз ҳисоб рақамига иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни белгиланган тартибда нақд пулсиз ўтказишингиз мумкин.

**10.** «Пахта Банк» сўм пластик карточкангизнинг ҳисоб рақамига Республиканинг исталган бурчагида ҳар қандай банкдан туриб ҳам нақд пул топшириш орқали жамғармангизни кўпайтиришингиз мумкин.

**11.** Пластик карточкангиздаги маблағларни истаган вақтда бутун Республика бўйлаб ўрнатилган банкоматлар орқали нақд пулга айлантиришингиз мумкин.

**12.** Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 2 июлдаги 300-сонли қарорига асосан чакана савдо ва умумий овқатланиш корхоналари пластик карточкалар орқали амалга оширилган товар айланмаси ҳажмига нисбатан ялпи даромад солиғини 20 фоизга кам тўлайдилар.

**13.** «Пахта Банк» сўм пластик карточкангизга доир маълумотларни сир сақланишига ва ҳар ойнинг биринчи кунига фоизли даромадингизни қўшиб боришига кафолат беради.

**14.** «Пахта Банк» сўм пластик карточкангиздаги маблағларингиз Ўзбекистон Республикаси Фуқароларининг банкдаги омонатларини кафолатлаш Фонди томонидан кафолатланган.

**15.** Товарларни сотишда ва хизматлар кўрсатишда хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бериладиган терминал чеклари, квитанциялар, талонлар, чипталарга ҳамда товарлар ва хизматларга ҳақ тўланганлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатларга тенглаштирилади.

---

***Бугунги кунга келиб иқтисодиётнинг йирик тармоқларидан бири бўлган автомобил транспорти хизматини яхшилаш борасида бир қанча хайрли ишлар қилинмоқда. Жойлардаги соҳага тегишли бўлган жамоалар бу борада айниқса фаол иш олиб боришмоқда.***

## ХАЛҚ ХИЗМАТИГА КАМАРБАСТА

Чунончи, бу йўналишда автобус-такси саройи ҳиссадорлик жамиятлари корхоналари қаторида йўловчи ташувчи хусусий автомобиллардан иборат автоуюшмалар ҳам фаолият юритмоқда. Ана шундай автоуюшмалардан бири Сирдарё шаҳрида ташкил этилган «Сирдарё – автоассоциацияси»дир.

– Уюшмамиз ҳайдовчиларининг самарали меҳнати туфайли аҳолига кўрсатилаётган транспорт хизмати аввалгиларига нисбатан бир мунча салмоқли бўлмоқда, – дейди ассоциация раҳбари Шавкат Алмуҳамедов. – Ҳозирги вақтда 50 га яқин уюшмамизга аъзо бўлган РАФ, Дамас, ПАЗ русумли автоуловларимиз 5 та йўналишда йўловчиларга хизмат қилмоқда.

